

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**РАҲМАТОВА САДОҚАТ УМАРЖОНОВНА**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ  
ҲИСОБИГА ОЛИНГАН ЯНГИ ТРИКОТАЖ ТЎҚИМАЛАРИНИ  
ТАДҚИҚИ ОРҚАЛИ МАҲСУЛОТ АССОРТИМЕНТИНИ  
КЕНГАЙТИРИШ**

05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга  
дастлабки ишлов бериш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Раҳматова Садоқат Умаржонова**

Маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланиш ҳисобига олинган  
янги трикотаж тўқималарини тадқиқи орқали маҳсулот  
ассортиментини кенгайтириш.....

3

**Рахматова Садокат Умарджонова**

Расширение ассортимента изделий путем исследование новых структур  
трикотажных палотен полученных за счет эффективного  
использования местного сырья.....

21

**Rakhmatova Sadokat**

Expansion of the range of products by researching new structures of knitted  
pallets obtained through the efficient use of local raw materials .....

48

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

53

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**РАҲМАТОВА САДОҚАТ УМАРЖОНОВНА**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ  
ҲИСОБИГА ОЛИНГАН ЯНГИ ТРИКОТАЖ ТЎҚИМАЛАРИНИ  
ТАДҚИҚИ ОРҚАЛИ МАҲСУЛОТ АССОРТИМЕНТИНИ  
КЕНГАЙТИРИШ**

05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга  
дастлабки ишлов бериш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т1983 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.titli.uz](http://www.titli.uz)) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Холиқов Қурбанали Мадаминович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жуманиёзов Қадам Жуманиёзович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Ханхаджаева Нилуфар Рахимовна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон машинасозлик институти**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022-йил “5-феврал” соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7. Тел.: (+99869) 228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869)228-76-75, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz), Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (444-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7. Тел.: (+99869) 228-76-68.)

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(202\_ йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Р.М.Муродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор

**Х.Т.Бобожанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., доцент

**Н.Н.Набиджанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси ўринбосари т.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларига истеъмол талаблари кундан кунга ортиб бормоқда. Шу ўринда енгил саноатнинг тикув-трикотаж саноати олдида кенг қамровли масалаларни, яъни тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёни етказиб бериш, барқарорлигини таъминлаш, янги технологияларни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш, маҳсулот сифатини ва ассортимент турларини кенгайтириш, рақобатбардошлигини оширишга ёрдам берувчи технологияларни яратиш, янги ассортиментларни кўпайтиришни ҳамда энергия-ресурстежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида трикотаж бозорининг ҳажми 2019 йилда 25,3 миллиард долларга баҳоланган бўлиб, ҳозирда бу кўрсаткич 30 миллиард долларга етганини ҳисобга олсак»<sup>1</sup>, ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотларини сифатли амалга оширадиган машиналарни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан трикотаж маҳсулотларини ассортиментини кўпайтириш ва уларни ишлаб чиқариш учун иш сифати юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор техника воситалари ҳамда курилмаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда трикотаж ишлаб чиқаришда юқори самарали, ресурстежамкор технологиялар ва техника воситалар янги илмий-техникавий ечимлар ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан Хитой, АҚШ, Япония, Германия, Покистон, Туркия ва Италия каби бир қатор мамлакатларда тикув-трикотаж маҳсулотларини янги турларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришда маълум ютуқларга эга бўлиб, уларда маҳсулот ҳаёт даврининг барча босқичларини жумладан маҳсулот рақобатбардошлигини технологик жараёнларда янги замонавий технологияларда бажарилиши ва технологик жараёнларни автоматик бошқаришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда<sup>2</sup>.

Республикамизда трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш, меҳнат ҳамда энергия сарфини камайтириш, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»<sup>3</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб

<sup>1</sup> <https://www.grandviewresearch.com/industry-analysis/knitted-fabric-market>

<sup>2</sup> [https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/@ed\\_dialogue/@sector/documents/publication/wcms\\_300463.pdf](https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/@ed_dialogue/@sector/documents/publication/wcms_300463.pdf)

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати ривожланишининг ҳар томонлама таҳлили, рақобатнинг кучайиши шароитида жаҳон бозорининг ўзгарувчанлиги соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, янада барқарор ва жадал ривожланиши механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашган машиналарни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сон Фармони, 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг II «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси:** Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати техника технологияларини ривожлантириш, хомашёдан самарали фойдаланиб тикув ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни назарий методологик асосларининг турли аспектлари, маҳсулотлар ассортиментини яратиш, хомашё хусусиятларини таъсири, технологик жараёнларини такомиллаштириш каби йўналишларга оид масалалар бўйича хорижда М.Савадзаки (Япония), Е.Харима (Япония), А.MazjorieTaylor (АҚШ), L.Walter (Англия), M.Walker (Англия), Ch.Phillips (Англия), A.Wilkes (АҚШ), A.Wynne (АҚШ), David J.Spenser. (АҚШ), А.С.Далидович(Россия), И.И.Шалов (Россия), Л.А.Кудрявин (Россия), С.В.Кислюк (Россия), Л.М.Кукушкин (Россия), А.Гогои (Қозоғистон) ва бошқа олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Республикамиз тўқимачилик маҳсулотларининг тузилиши ва уларни лойиҳалаш, структураси ва хусусиятларини прогнозлаш, тўқима матоларини шакллантириш технологиясининг назарий ва амалий асосларини ривожлантириш, тикув ва тикув-трикотаж маҳсулотлари сифатини ошириш, маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш орқали янги тўқима турларини олиш, ассортиментларини кенгайтириш, хомашё хусусиятларини тадқиқи ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда техник технологияларни

такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар Х.А.Алимова, М.М.Муқимов, Н.Р.Ханхаджаева, С.Ш.Тошпўлатов, Х.Х.Камилова, Ф.У.Нигматова, Қ.М.Холиқов, Д.У.Орифжанова, Е.Ш.Алимбаев, Д.Г.Алиева, Н.Н.Набиджанова, Г.Х.Гуляева, Х.А.Хазратқулов, Ш.Қ.Усмонқулов, А.Т.Жўрабаев ва бошқалар томонидан бажарилган.

Бугунги кунда рақобатбардош импорт ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган тўқималар, трикотаж маҳсулотларини сифатини ошириш, маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш билан энергия тежовчи ва маҳсулот таннархини камайтириш муаммоларини ўрганиш илмий-амалий аҳамиятга эга. Шу билан бир қаторда маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланиб, замонавий инновацион технологиялар асосида янги трикотаж тўқималар олиш ҳисобига маҳсулот ассортиментлари турларини кенгайтириш борасида назарий-илмий тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти ва Наманган вилояти ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига кўра, ИЛМ-202107012 рақамли “Пахта ва йиғирилган ипак ипларидан трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш (Порлоқ пахта нави селекцияси толасидан Чуст миллий брендини яратиш)” лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиб янги трикотаж тўқималарини олиш ва маҳсулотлар ассортиментини кенгайтиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

икки айлана игнадонли трикотаж тўқув машиналарининг технологик имкониятларини ўрганиш, хомашё хусусиятларини тадқиқ қилиш ва янги ассортиментдаги трикотаж тўқималарини тайёрлаш;

икки қаватли трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларига хомашё таркибини таъсир этиш қонуниятларини ўрганиш;

трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичларини физик-механик хусусиятлари орасидаги ўзаро боғланишни математик моделларини ишлаб чиқиш;

икки айлана игнадонли трикотаж тўқув машиналарининг технологик имкониятларидан кенг фойдаланиб, янги трикотаж тўқимасининг юқори истеъмол хусусиятларини таъминловчи рационал тузилиши ва параметрларини аниқлаш;

икки қаватли трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларига хомашё таъсирида ўзгаришини тадқиқ этиш, ҳамда уларнинг боғлиқлик графикларини олиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида икки айлана игнадонли трикотаж тўқув машиналари олинган.

**Тадқиқот предмети** янги тузилишдаги трикотаж тўқималари, янги таклиф этилган трикотаж тўқималарини технологик параметрлари ва физик-механик хусусиятларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тўқув назарияси асослари, экспериментал ва эксперт баҳолаш усуллари, назарий ва амалий механика, математик статистика ва ҳисоблаш математикаси усуллари, компьютер дастурий таъминотидан ҳамда мавжуд меъёрий хужжатларда белгиланган усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

икки айлана игнадонли трикотаж тўқув машинасида глад, хосилали глад ва ластик усулларни жамлаш орқали шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган янги ассортиментдаги тўқима олинган;

икки айлана игнадонли трикотаж тўқув машиналарида гладь ва ластик асосида олинган икки қаватли трикотаж тўқималарининг хажм ва юза зичликларини ҳаво ўтказувчанлик, киришиш, ишқаланишга чидамлик, узиш кучи ва деформацияланиш хусусиятларини комплекс баҳолаш орқали оптимал қийматлар аниқланган;

икки айлана игнадонли машиналарда ластикли трикотаж тўқимасига глад ва хосилали глад қаторларини киритиш орқали ҳажмий зичликни 4,9 % дан 12,6 % га камайтириш ҳисобига трикотаж тўқимасининг сифат кўрсаткичларидан иссиқлик ва шакл сақлаш хусусиятлари ортган;

марказий нокомпозицион тажриба йўли билан икки қаватли трикотаж тўқималарининг узиш кучи ва қайтар деформация хусусиятларини регрессия тенграмаси олинган ва унинг таҳлили асосида матонинг юқори истеъмол хусусиятларини таъминловчи ҳалқа қадами ва ҳалқа баландлигини мақбул параметрлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари**

Назарий ва тажрибавий тадқиқотлар асосида юқори физик-механик ва харидорғирлик хусусиятларига эга бўлган айлана игнадонли машиналарда ластикли трикотаж тўқимаси тузилишига глад ва хосилали глад қаторларини киритиш ҳисобига ҳажмий зичликни камайтириш, шакл сақлаш хусусиятини ошириш ва трикотаж тўқимасининг сифат кўрсаткичларини яхшилашга эришилган.

Бир қатор трикотаж ишлаб чиқариш корхоналарида трикотаж маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш, улардан импорт ўрнини босувчи рақобатбардош, сифатли трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида, маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланиб янги тузилишга эга бўлган ва ишлаб чиқариш усули такомиллаштирилган, хомашё сарфи кам бўлган икки қаватли трикотаж тўқималари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, апробация ва жорий қилинишидаги ижобий натижалар, шунингдек натижаларни солиштириш, баҳолаш критерийларига кўра, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро



адекватлигига ва уларнинг кўриб чиқиладиган соҳасидаги маълумотлар билан қиёсий таҳлил қилиб асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, маҳаллий хомашёлардан янги трикотаж тўқима яратилганлиги, физик-механик хусусиятлари ўрганилганлиги ва асосланганлиги, хомашё сарфи кам, физик-механик хусусиятлари яхшилانган эксплуатацион талабларга мос келувчи мазкур соҳада маҳсулот ассортиментини кенгайтирилиши, трикотаж матоларининг лойиҳалаш босқичида унинг хоссаларини прогнозлаш имконини берувчи, уларнинг зарурий хоссаларини ҳисобга олган ҳолда турли янги турдаги кийим маҳсулотларни танлаш ва шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш ва кўрсаткичларини асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти хомашё сарфининг камлиги, оптимал сифат кўрсаткичларига эга бўлган, физик-механик ва харидоргирлик хусусияти яхшиланган, янги тузилишдаги трикотаж тўқималарининг тузилиши ва олиш усуллари ишлаб чиқарилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланиб янги трикотаж тўқималарининг ассортиментини ишлаб чиқариш бўйича олинган натижалар асосида:

янги тузилишдаги икки қаватли трикотаж тўқималарини ишлаб чиқариш «UDM» МЧЖ трикотаж корхонасида жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021-йил 7-декабрдаги №03/25-3371-сонли маълумотномаси). Натижада пахта ва полиэстер аралашма ипидан глад ҳамда ластик асосида олинган трикотаж тўқималарининг физик-механик хусусиятларини сақлаган ҳолда, сифат кўрсаткичларини яхшилаш ҳисобига 12,6 % га хомашё сарфини камайтиришга эришилган;

икки айлана игнадонли машиналарда ластикли трикотаж тўқимаси тузилишига глад ва ҳосилали глад қаторларини киритиб трикотаж тўқималарини ишлаб чиқариш «Хоҗи Холмирза Вобо» МЧЖ корхонасида жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 7 декабрдаги №03/25-3371-сонли маълумотномаси). Натижада 100 % пахта ипи асосидан тайёрланган трикотаж тўқимасини деформацион хусусиятлари ортган ҳамда хомашё сарфини 8,9 % камайтиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари бўйича 5 та халқаро ва 3 та Республика миқёсидаги илмий-амалий анжиманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 3 таси Республика ва 6 таси хорижий журналда мақолалар нашр этилган. 1 та дастурий таъминотга Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг патентини олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишида устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Турли хусусиятли толалар ва трикотаж тўқималари ассортиментлари, уларни ишлаб чиқариш ҳолатининг таҳлили»** деб номланган биринчи боби адабиёт манбааларининг таҳлиliga бағишланган бўлиб, ҳозирги кунда трикотаж ишлаб чиқариш саноатида маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланиш, уларнинг тутган ўрни ва трикотаж тўқималарнинг олиш технологияси, технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларини яхшилаб, хомашё сарфи кам, ресурстежамкор технологияларни қўллашга бағишланган кўплаб олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинган.

Олиб борилган адабиётлар таҳлили асосида тукли трикотаж тўқимасини ишлаб чиқаришда асос ипи сифатида полиэстер ипи ўрнига йигирилган пахта ипига кам миқдорда юқори киришувчан лайкра ипи бирга қўшиб тўқилса трикотаж тўқимасининг гигиеник хусусиятларини яхшилашга, шакл сақлаш хусусиятини оширишга, полиэстер хомашёсини тежаш ҳисобига тукли трикотаж матосининг таннархини камайтириш мумкинлиги аниқланган. Шунингдек, корхоналарда фойдаланиб келинаётган трикотаж-тўқув машиналарининг имкониятларидан кенг қўллаб, маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланиш, янги тузилишдаги трикотаж тўқималар олиш технологиясини ишлаб чиқиш, уларни хусусиятлари ва сифат кўрсаткичларини тадқиқи орқали, рақобатбардош, харидоргир трикотаж маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш, илмий-назарий асослаш белгилаб олинди.

Диссертациянинг **«Маҳаллий хомашёлар асосида янги трикотаж тўқималарининг олиш технологияси»** деб номланган иккинчи боби икки айлана игнадонли машиналарда турли хомашёлардан трикотаж тўқималарини олиш технологиясини ишлаб чиқишга бағишланган.

Маълумки, тўқувчилик дастгоҳларида олинган газламаларга қараганда трикотаж маҳсулотларида хомашё сарфининг камлиги фақатгина мато тузилишига боғлиқ эмас. Трикотаж машиналарининг классини ошириш ва кичик чизикли зичликка эга бўлган ипларни қўллаш, хомашё сарфини камайтиришнинг муҳим йўналиш ҳисобланади. Янги трикотаж тўқимаси турлари, хусусан, икки игнадонли айлана трикотаж тўқув машиналарида

тўқиладиган енгиллашган полотнолардан кенг фойдаланилмоқда. Бундай полотноларни ишлаб чиқаришда уларнинг эксплуатацион ва гигиеник хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда янги турларини яратиш мақсад қилиб қўйилган.

Икки айлана игнадонли жаккард трикотаж машиналарда ишлаб чиқариладиган трикотаж тўқималар учун «мунтазам ва номунтазам» ҳалқа тузилиши тавсифи қўлланилади. Шунинг учун трикотаж тузилиши ҳолати, битта игнада ҳосил бўлган ҳалқалар сони бўйича баҳоланади. Ҳалқалар сони трикотажнинг ўнг ва тескари томонлари бўйича тенг бўлса, тузилиш мунтазам, агар турлича бўлса, у ҳолда трикотаж тўқимаси номунтазам тузилишга эга бўлади. Номунтазам трикотаж тузилишида цилиндр игналарида иккита, диск игналарида эса битта ҳалқа ҳосил бўлган.


28-класс Hanma (Zhenfu knitting machinery) русумидаги икки айлана игнадонли жаккард трикотаж машинасида игнадон диаметри 18 дюм (458 мм), игналар сони 1584 та, игналар ҳолати  $90^{\circ}$  бурчак остида жойлашган, иккала игнадон актив, системалар сони 38 та бўлиб, машинанинг айланиш тезлиги 25 айл/мин ни ташкил этади. Машинада чизиқли зичлиги 50 тексгача бўлган турли хил хомашёлардан фойдаланиш мумкин.

Трикотаж маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш ва Hanma (Zhenfu knitting machinery) русумидаги икки айлана игнадонли 28-класс жаккард трикотаж машинасининг технологик имкониятларидан максимал фойдаланиш мақсадида ластик тўқимаси асосида трикотаж тўқималарининг 5 та вариантдаги тузилиши ва олиш усули ишлаб чиқилди.


Хомашё сифатида 20 тексли чизиқли зичликка эга бўлган пахта, ипак, полиэстер ва вискоза ипидан фойдаланилди. Таклиф этилаётган трикотаж вариантларининг тузилиши (1 а-расм) ва графикли ёзуви 1 б-расмда келтирилган.

Трикотаж тўқима намуналари турли хомашёлардан фойдаланиб, глад ва ластик тўқимаси асосида тўқима тузилиши бир хил усулда олинди. I-намуна йигирилган пахта ипи 50 % ва вискоза 50 % ипидан тўқилган. II-намуна 85 % йигирилган пахта ипи ва 15 % ипак, III намуна 15 % ипак ва 85 % вискоза, IV намуна 100 % йигирилган пахта ипидан ва V намуна 50 % йигирилган пахта ипи ва 50 % полиэстердан фойдаланиб ишлаб чиқилди.

Турли хомашёлардан олинган трикотаж тўқимасининг барча вариантларда тўқима тузилиши бир хил бўлиб, уни олишда икки айлана игнадонли машинада иккита ҳалқа ҳосил қилувчи тизим иштирок этади, улар цилиндр игнадон ва рибшайба.



а



б

1-расм. Турли хомашёлардан олинган трикотажд тўқималарининг тузилиши (а) ва график ёзуви (б).

Ҳалқа ҳосил қилиш тизимларини келтирилган кетма-кетликда ишлаши натижасида трикотажд тўқимасининг бир томонида ёки иккала томонида горизонтал валиклар ҳосил бўлади. Глад қаторларини тўқиш учун ҳалқа ҳосил қилувчи тизимда кўтарувчи клинларнинг конструкцияси шундай шаклда бўлиши керакки, бунда клин цилиндр ва дискдаги барча игналар ишлашини таъминланади, демак ҳар бир тизимда цилиндр ва дискда икки поғонали клин бўлиши керак. Олинган трикотажд ромбсимон нақш ҳосил қилинган ва бу трикотажд тўқималарининг игналарини ластикли жойлаштириш ҳисобига олинди.

Икки қаватли нақшли трикотажд тўқимасини ҳосил қилишда рибшайба ва цилиндр игнадон игналаридан фойдаланиб ластик 2+1, ластик 1+2, ластик 1+1 ва ҳосилалди глад трикотажд ўрилишларини аралаштириб нақшли тўқима олишга эришилди.

Ушбу трикотажд тўқимасини раппорти бўйламасига 5, кўндалангига 30 ни ташкил қилди.

1-қаторни ҳосил қилишда иккита ипдан фойдаланиб тўқилади. 1 ипдан цилиндр игнадон 16 та игнаси ва рибшайба игнадон иккита игна оралаб яъни 2, 4, 6...16 игналарида ластик 2+1 трикотажд тўқимаси ҳосил қилинди, сўнгра цилиндр игнадон игнасида битта игна ташлаб ластик 1+2 ва иккита игна ташлаб ластик 1+2 тўқимаси ҳосил қилинди, яна битта игна ташлаб ластик 2+1 тўқимаси ҳосил қилиш давом этди. 2-ипдан эса рибшайба игнасида игна оралаб 17 игнагача ҳосилалди глад, цилиндр ва рибшайба игнадон 17-игналарида ластик 1+1, цилиндр игнасининг 20 ва рибшайба 19 игнасида ластик 1+1, ушбу жараён 21 ва 22,23 игналарда бир марта такрорланди, 25 игнадан яна ҳосилалди глад трикотажд тўқимаси тўқиш давом эттирилди. Эътибор бериладиган бўлса цилиндр ва рибшайба игнадонларининг барча игналарида ҳалқа ҳосил қилинди.

2-қаторни ҳосил қилишда иккита ипдан фойдаланиб тўқилади. 1 ипдан цилиндр игнадон 16 та игнаси ва рибшайба игнадон иккита игна оралаб яъни 2, 4, 6...16 игналарида ластик 2+1 трикотаж тўқимаси ҳосил қилинди, сўнгра цилиндр игнадон игнасида битта игна ташлаб ластик 1+1 ва рибшайба игнасида ҳосиллади глад тўқимаси ҳосил қилиниб, 23 игнадан яна ластик 2+1 трикотаж тўқимаси давом этади.

3-қаторни ҳосил қилишда ҳам иккита ипдан фойдаланиб тўқилади. 1 ипдан цилиндр игнадон 17 та игнаси ва рибшайба игнадон иккита игна оралаб яъни 2, 4, 6...16 игналарида ластик 2+1 трикотаж тўқимаси ҳосил қилинди, сўнгра рибшайба игнадонида 18, 20, 22, 24 игналарида игна оралаб ҳосиллади глад тўқимаси ва цилиндр игнадон 24 игнасида ластик 2+1 тўқимаси тўқилди. 2-ипдан эса 17 игнагача игна оралаб ҳосиллади глад 18 игнадан 23 игнагача ластик 1+1, ластик 2+2 трикотаж тўқималари ҳосил қилинди.

4-қаторни ҳосил қилишда ҳам иккита ипдан фойдаланиб тўқилади. 1 ипдан цилиндр игнадон 16 та игнаси ва рибшайба игнадон иккита игна оралаб яъни 2, 4, 6...16 игналарида ластик 2+1 трикотаж тўқимаси ҳосил қилинди, сўнгра рибшайба игнадонида 18, 20, 22, 24 игналарида игна оралаб ҳосиллади глад тўқимаси ва цилиндр игнадон 24 игнасида ластик 2+1 тўқимаси тўқилди. 2-ипдан эса 17 игнагача игна оралаб ҳосиллади глад 18 игнадан 23 игнагача ластик 1+1, ластик 2+2 трикотаж тўқималари ҳосил қилинди.

5-қаторни ҳосил қилишда ҳам иккита ипдан фойдаланиб тўқилади. 1 ипдан цилиндр игнадон 5 та игнаси ва рибшайба игнадон иккита игна оралаб 2, 4, игналарида ластик 2+1 трикотаж тўқимаси ҳосил қилинди, рибшайба игнасининг 6, 8 игнасида ҳосиллади глад, 8 ва 16 игналарида ластик 2+1 тўқимаси, рибшайба игнадонининг 16-24 игналарини ҳосиллади глад, 25 игнадан 30 игнагача ластик 2+1 трикотаж тўқимасини ҳосил қилинди.

Ушбу ўрилишлардан фойдаланиш ҳисобига трикотаж тўқимаси юзасида ромбсимон нақш ҳосил қилишга эришилди. Игна оралаб ҳосиллади глад ва ластик трикотаж тўқималаридан самарали фойдаланиш ҳисобига эса тўқималарнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашга эришилди.

Кўриб чиқилган трикотаж тўқималарни турли маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланиб, айлана игнадонли трикотаж тўқув машиналарида олиш мумкин.

Диссертациянинг **“Маҳаллий хомашёлар асосида олинган янги трикотаж тўқималари таҳлили ва уларнинг сифат кўрсаткичларини ўзгариш қонуниятларини аниқлаш”** деб номланган учинчи бобида янги тузилишдаги трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичлари ва физик механик хусусиятлари таҳлил қилинган, трикотаж тўқималарининг сифат кўрсаткичларини математик модел асосида трикотажнинг узиш кучи ва қайтар деформация орасидаги боғлиқлик регрессия тенгламаси тузилиб, назарий тадқиқ этилган, сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолаш диаграммаси асосида трикотажнинг энг оптимал вариантлари аниқланиб, иқтисодий самарадорлик ҳисобланган.

Технологик имкониятларидан максимал фойдаланиш мақсадида гладь, ластик тўқимаси асосида олинган нақшли трикотаж тўқималарининг 5 та вариантдаги тўқима тузилиши ва олиш усуллари трикотажнинг технологик параметрларига таъсирини Наманган муҳандислик-технология институти синов лабораториясида экспериментал усулда аниқланди. Турли хил тузилишга эга бўлган кўндалангига ва бўйламасига тўқилган икки қаватли трикотаж тўқималарининг хусусиятлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқариш амалиётида техник ва устки трикотаж маҳсулотларига қўйиладиган талабларга жавоб бера олади.

Қўлланилган хомашё хусусияти, тўқима тури ва ишлов бериш усули ҳар қандай трикотаж тўқимасининг кўрсаткичларига таъсир этувчи асосий омил бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу кўрсаткичлар бириктириш тури ва усулига ҳам боғлиқ бўлади.


Трикотаж тўқимасининг тузилишини тавсифловчи кўрсаткичлар куйидагилардан иборат: юза ва ҳажмий зичлик, эни ва узунлиги бўйича зичлик (узунлик бирлигига нисбатан ҳалқалар сони), ҳалқа ипи узунлиги, ҳалқа қаторлари ва ҳалқа устунчалари кесишган бурчак, трикотаж тўқимаси қалинлиги 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

**Турли хомашёлардан тўқилган трикотаж тўқималарининг технологик кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар		Намуналар					Стандарт бўйича
		I	II	III	IV	V	
Ипларнинг турлари, чизиқли зичлиги ва матодаги % миқдори	Пахта ипи 20 текс	50	85		100	50	
	Ипак 20 текс		15	15			
	Полиэстер 20 текс					50	
	Вискоза 20 текс	50		85			
Ҳалқа қадами А (мм)		0,40	0,41	0,42	0,40	0,39	Гост 8846-87
Ҳалқа қатори баландлиги В (мм)		0,45	0,45	0,45	0,43	0,46	
Горизонтал бўйича зичлик $P_T$		124	122	120	124	122	
Вертикал бўйича зичлик $P_B$		109	110	110	112	108	
Ҳалқа ипи узунлиги L (мм)		3,47	3,48	3,50	3,47	3,48	
Трикотажнинг юза зичлиги $M_s$ (гр/м <sup>2</sup> )		206,9	204,5	208,7	192,7	201,9	Меж. Гост 28554-90
Трикотажнинг қалинлиги t (мм)		1,01	1,05	1,07	1,033	1,128	
Ҳажм зичлиги $\delta$ (мг/см <sup>3</sup> )		204,9	194,7	195	186,5	179	

Абсолют ҳажмий энгиллик, $\Delta\delta$ (мг/см <sup>3</sup> )	-	10,2	9,86	18,4	25,88	
Нисбий энгиллик, $\theta$ , %	-	4,9	4,81	8,97	12,6	




**2-расм. Халқа қадами А (мм) ва халқа қатори баландлиги В (мм) ўзгариши диаграммаси.**

Олинган натижаларни таҳлил қилинадиган бўлса, трикотаж тўқимасининг биринчи технологик кўрсаткичларидан халқа қадами асос тўқима – ластик тўқимасига нисбатан ҳамма вариантлар 2,5-5 % оралиғида ўзгарган. Халқа қатори баландлиги асос тўқимага нисбатан вариантлар бўйича II-III-вариантларда бир хил, IV-вариантда 4,4 % га камайган, V-вариант эса 2 % га ортган (2-расм).


Халқадаги ип узунлиги қанчалик кичик бўлса, трикотаж ўлчамлари стабиллиги шунчалик катта, киришувчанлиги эса шунчалик кам бўлади. Шунинг учун халқа ўлчами кичик бўлган тўқима олиш имкони мавжуд бўлган юқори класс машиналарида тўқилган трикотаж тўқималарининг шакл сақлаш хусусияти юқори бўлади.

Тўқимадаги халқа ипи узунлигининг кўрсаткичлари эса қуйидагича: асос тўқимага нисбатан 0,29 – 0,86 % гача ортган (3-расм).



**3-расм. Халқа ипи узунлиги ўзгариши гистограммаси**

Жадвал бўйича навбатдаги кўрсаткич горизонтал бўйича зичлик  $P_G$ , вертикал бўйича зичлик  $P_B$ . Асос тўқимада горизонтал бўйича зичлик  $P_G$  124 та ҳалқадан иборат, вертикал бўйича зичлик  $P_B$  109 та ҳалқадан иборат. Қолган II-III-V вариантларда горизонтал бўйича зичлик  $P_G$  120-122 тагача ҳалқадан иборат бўлиб, асос тўқимага нисбатан 1,6-4 % га камайган, IV вариантда  $P_G$  124 тага тенглиги кўринади. Вариантларда вертикал бўйича зичлик  $P_B$  108-112 тагача ҳалқадан иборат ва у асос тўқимага нисбатан II-IV вариантларда 1-1,12 % га ортган, V вариантда эса 1 % га камайган (4-расм).




4-расм. Горизонтал ( $P_G$ ) ва вертикал ( $P_B$ ) бўйича зичликлар ўзгариши диаграммаси.

Трикотажни ҳажм зичлиги технологик кўрсаткичлар ичида асосийларидан бўлиб, у трикотаждаги хомашё сарфи миқдорини кўрсатади.

Хомашё сарфига юза зичлиги бевосита, ҳажм зичлиги эса тўқима қалинлиги боғлиқ бўлгани учун шу кўрсаткич билан баҳо бериш тўғри бўлади. Таҳлил натижаларидан кўришиб турибдики, юза зичлиги  $192,7 \text{ г/м}^2$  дан  $206,9 \text{ г/м}^2$  гача ўзгарган ва I вариант асос тўқимага нисбатан II-IV-V вариантлар 1,17-7 % га камайган, III вариантда эса 1 % га ортган (5-расм).





**1-50% пахта ва 50 % вискоза (асос тўқима); 2- 85 % пахта ва 15 % ипак; 3-15 % ипак ва 85 % вискоза; 4-100 % пахта; 5-50 % пахта ва полиэстер**

**5-расм. Трикотаж тўқимасининг юза зичлиги ва ҳажм зичлигини ўзгариши гистограммаси.**

Олиб борилган илмий тадқиқот иши натижасида таклиф этилаётган трикотаж тўқималарининг олиниш усули бош ва ластик тўқимаси асосида, шу билан бирга бир хил чизикли зичликдаги турли хомашёлардан турли миқдорда фойдаланиш ҳисобига технологик кўрсаткичлари яхшиланди, шунингдек ҳажм зичлиги камайишига эришилган. Трикотаж тўқималари таркибидаги турли калава иплар ва уларнинг турли фоизларда эканлиги тўқиманинг физик-механик ва технологик кўрсаткичларига ижобий таъсир этиб, уларни I вариант асос тўқимасига нисбатан хомашё сарфи кам бўлган трикотаж тўқималари ва маҳсулотлар ассортиментини кенгайтиришга эришилди.

Бош ва ластик тўқимаси асосида олинган трикотаж тўқима намуналарининг 5 та вариантини физик-механик хусусиятлари Наманган муҳандислик-технология институти трикотаж синов лабораториясида ўрнатилган замонавий ускуналарда экспериментал усулда аниқланди ва таҳлил қилинди. Уларнинг физик-механик кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

Трикотаж тўқималарининг ҳаво ўтказувчанлик материалнинг иккала томони бўйича берилган босим фарқида 1 секунд ичида 1см<sup>2</sup> матодан ўтаётган ҳаво миқдорини кўрсатувчи коэффициент билан тавсифланди.


Тўқимачилик материалларининг ҳаво ўтказувчанлик кўрсаткичи кўпинча говаклилик ва очиқ тешиklar катталиги, шунингдек, трикотаж қалинлигига боғлиқ бўлади. Тўқиб олинган трикотаж тўқималарнинг ҳаво ўтказувчанлик хусусияти YG461E модели ускунада GB/5453 (ISO 9237) стандарти асосида синовдан ўтказилди. GB/5453 (ISO 9237) стандарти бўйича тайёр кийим-кечак

матолари учун босим – 100 Па, диапазон ўлчами – Ø 8.0 мм бўлган нормал шароитда амалга оширилди.

2-жадвал

**Турли хомашёлардан олинган трикотаж тўқималарининг физик-механик кўрсаткичлар**

Кўрсаткичлар		Вариантлар					Стандарт бўйича
		I	II	III	IV	V	
Ипларнинг турлари, чизиқли зичлиги ва матодаги % миқдори	Пахта ипи 20 текс	50	85		100	50	
	Ипак 20 текс		15	15			
	Полиэстер 20 текс					50	
	Вискоза 20 текс	50		85			
Ҳаво ўтказувчанлиги В(см <sup>3</sup> /см <sup>2</sup> ·сек)		59,7	62,5	89,3	64,57	84,88	Устки кийим 40 -100 ГОСТ 31410-2009
Узиш кучи Р (N)	бўйига	416	478	742	303	478	Камида 80Н ГОСТ 28554
	энига	112	174	228	94	147	
Чўзилишдаги узайиш L (%)	бўйига	37,15	43,15	49,45	29,7	44,75	6Н да 40% гача 1 группа 6 Н да 40-100% гача-2 гуруҳ ГОСТ 28554
	энига	221,9	136,2	150,3	101,5	136,7	
Қайтмас деформация $\epsilon_n$ (%)	бўйига	15	15	18	10	7	15-20% дан кўп эмас ГОСТ 28882
	энига	4	4	6	6	4	
Қайтар деформация $\epsilon_o$ (%)	бўйига	85	85	82	90	93	
	энига	96	96	94	94	96	
Матони киришиши К (%)	бўйига	4	2	2	5	4	Кўпи б-н 6-8% ГОСТ 26667
	энига	3	1	2	4	2	
Ишқаланишга чидамлилиги I (минг.айлана)		48	39	46,5	44	47,7	30-60 од-й 61-120 мустаҳкам ГОСТ 16486




**6-расм. Турли хомашёлардан олинган трикотаж тўқимасининг ҳаво ўтказувчанлик ўзгариши гистограммаси.**

Ҳаво ўтказувчанлик коэффиценти  $B$  (см³/см²·сек) қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$B = \frac{V}{S \cdot T} \text{ см}^3 / \text{см}^2 \cdot \text{сек} \quad (1)$$

бу ерда:  $V$  - берилган босим фарқида мато орасидан ўтаётган ҳаво миқдори  $\Delta P$ , см³;  $S$  - мато майдони, см²;  $T$  - мато орасидан ўтаётган ҳавони ўтиш вақти, сек.

Натижаларга кўра, энг яхши ҳаво ўтказувчанлик III вариантда (89,3 см³/см²·сек) кузатилди. Бу кўрсаткич I вариантга қараганда 49,5 % га кўп. Трикотаж намуналарининг ҳаво ўтказувчанлиги I вариантда кам бўлиб, яъни трикотаж тўқимасининг иссиқлик сақлаш хусусияти ошган (6-расм).




**7-расм. Турли хомашёлардан олинган трикотаж тўқималарини узиш кучи ўзгариши гистограммаси**

Материалларнинг мустаҳкамлиги уларнинг тола таркиби, ҳосил қилувчи ипларнинг тузилиши ва чизикли зичлиги, ўрилиши, зичлиги, пардозлаш турига боғлиқ. Иплар қанча йўғон ва қанча зич бўлса, у шунча мустаҳкам.


Тақдим этилган намуналарнинг узиш кучи стандарт услуб бўйича “YG-026T”-русумли диномометр ёрдамида аниқланди. Узиш кучи кўрсаткичи бўйича 303 N дан 478 N гача, энига 94 N дан 174 N гача ўзгаради ва ГОСТ 28554-90 талабларига жавоб беради (7-расм).

Трикотажнинг шакл сақлаш хусусияти унинг чўзилувчанлиги, қайтар деформация ва киришиш кўрсаткичлари билан ифодаланади. Олинган натижаларга кўра трикотаж тўқима намуналарида бўйламасига қайтмас деформация 7 % дан 18 % гача, кўндаланги бўйича 4% дан 6 % гача ўзгарди (8 а-расм).

Синовдан ўтказилган турли хомашёлардан олинган трикотаж тўқималар намунасининг бўйламаси бўйича қайтар деформация улуши 94 % дан 96 % чегарада ўзгарди, эни бўйича қайтар деформация улуши эса 82 % дан 93 % гача ўзгарди (8 б-расм). Қайтар деформация улушининг бундай кўрсаткичлари турли иплардан олинган трикотаж тўқималари чўзилгандан сўнг, дастлабки ҳолатига тез қайтиши ҳақида далолат беради.



а



б

**8-расм. Турли хомашёлардан олинган трикотаж тўқималарининг қайтмас ва қайтар деформациясини ўзгариши гистограммаси**

Тўқимачилик саноатидаги технологик жараёнлар физикавий ва кимёвий ҳодисаларнинг мажмуасидан иборат бўлиб, уларни фақатгина илм ва техниканинг замонавий ютуқларидан фойдаланибгина муваффақиятли тадқиқ этиш мумкин. Шунинг учун математик моделлаштириш асосида илмий тадқиқот қилиш мақсадга мувофиқдир.

Трикотаж маҳсулотлари олишда технологиясига кирган параметрларни, яъни омиллари ва оптимизация параметрларини муқобиллаш учун тажрибани математик режалаштириш усуллари қўлланилади. Уларга тўла омилли тажриба (ТОТ), касрли омилли тажриба, тасодифий мувозанатли тажриба, симплекс катакли тажриба ва ҳоказо усуллар киради. Трикотаж матолари тузилишини аниқловчи кирувчи параметрларини тадқиқ этишда кўп омилли математик моделлаштиришдан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шу нуқтаи назардан корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга таъсир этувчи омил сифатида кирувчи омиллар  $x_1$  - ҳалқа қадами А (мм),  $x_2$  – ҳалқа қатор баландлиги В (мм),  $x_3$  - горизонтал бўйича зичлик,  $P_r$  (дона) кўрсаткичлари олинган.

Чиқувчи омиллар сифатида  $Y_1$ –узиш кучи  $P(N)$  бўйи ва эни бўйича ва  $Y_2$  – қайтар деформация  $\epsilon_0$  (%) бўйи ва эни бўйича танланди.

Трикотаж тўқималарини ишлаб чиқаришда тўқиманинг тузилишига таъсирини тадқиқ этишда қуйидаги (3-жадвал) омиллар ўзгариш сатҳлари ва оралиқлари танланди.

3-жадвал

**Тадқиқ этилаётган омиллар ўзгариш сатҳлари ва оралиқлар**

Омиллар номи ва белгиланиши	Ўзгартириш сатҳлари			Ўзгартириш оралиғи
	-1	0	+1	
$x_1$ - Ҳалқа қадами, А мм	0,39	0,405	0,42	0,015
$x_2$ - Ҳалқа қатор баландлиги, В мм	0,43	0,445	0,46	0,015
$x_3$ - Горизонтал бўйича зичлик, $P_r$ (дона)	120	122	124	2

Маълумки, жавоб функциясининг аналитик ифодаси номалум бўлганда, одатда жавоб функциясининг кўпхад билан регрессия тенгламаси кўринишида (2) ифодалаш мумкин

$$Y_R = b_0 + \sum_{i=1}^M b_i x_i + \sum_{\substack{i=j=1 \\ j \neq 1}}^n b_{ij} x_i x_j + \sum_{i=1}^M b_{ii} x_i^2 \quad (2)$$

ёки тажрибамизда учта омил қатнашаётгани учун юқоридаги ифода қуйидаги кўриниш олади:


